

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 14 январь, № 10 (7512) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ ТАРМОҒИНИ 2020 ЙИЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 январь куни электр энергетикаси соҳасини янада ривожлантириш бўйича жорий йилга мўлжалланган асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Электр энергетикаси иқтисодий тараққиёт барқарорлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлайдиган муҳим омилдир. Бу тармоқни модернизация қилиш, энергия қувватларини кўпайтириш ва истеъмолчиларга узлуксиз етказиб бериш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1 февралдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ташкил этилди. Ўша йилнинг 27 мартидаги Президент қарорига асосан, “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти ислоҳ қилиниб, унинг негизида “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари ташкил топди.

Ўтган йили мамлакатимизда 6 та йирик лойиҳа доирасида жами 1076 мегаватт электр энергия қувватлари ишга туширилди.

Жорий йилда электр энергияси истеъмоли 71 миллиард киловатт-соатни ташкил этиб, ўтган йилдагига нисбатан ўртача 9 фоиз, яъни иқтисодиёт тармоқлари талаби 10, аҳолиники эса 8,5 фоиз ошиши кутилмоқда.

Йиғилишда ушбу эҳтиёж қайси манбалар ҳисобидан қопланиши, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” ижроси муҳокама қилинди.

Президентимиз 2020 йилда электр энергияси ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва етказиб бериш бўйича белгиланган чора-тадбирларни тўлиқ, сифатли амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йилда иссиқлик электр станцияларида 1177 мегаватт, гидроэлектрстанцияларида 120 мегаватт қўшимча қувватлар ишга туширилиши режалаштирилган. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига 3 минг 500 мегаваттли буғ-газ қурилмалари, 400 мегаваттли шамол ва шунча қувватга эга қуёш электр станцияларини қуриш бўйича лойиҳалар шакллантирилган.

Йиғилишда тармоқ корхоналарида рентабелликни таъминлаш, энергия истеъмоли учун қарздорликни бартараф этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими бу борада яхши самара бераётгани қайд этилиб, “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятига йил якунига қадар яна 4 миллион 500 минг дона замонавий ҳисоблагич ўрнатиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари электр энергияси ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва етказиб беришда йўқотишларни камайтириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиб, бу бўйича мутасаддиларга муҳим топшириқлар берди.

Соҳадаги ислоҳотларнинг кейинги босқичида электр энергиясининг рақобатли улгуржи бозорини шакллантириш, генерация жараёнига давлат-хусусий шериклик тамойили асосида инвесторларни жалб қилиш ва бунда давлат улушини босқичма-босқич камайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда соҳани ривожлантиришнинг узоқ истиқболлари ҳам кўриб чиқилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилга бориб юртимизда электр энергияси истеъмоли ҳозиргига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши кутилмоқда. Шу боис Энергетика вазирлигига кейинги ўн йилда умумий қуввати 7 минг 900 мегаватт бўлган янги иссиқлик электр станцияларини ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, инвесторларни жалб қилган ҳолда, 8 минг мегаватт қувватга эга қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш, гидроэлектрстанциялари қувватини 1 минг 935 мегаваттга ошириш, кичик гидроэлектрстанциялар барпо этишни хусусий секторга бериш юзасидан вазифалар белгиланди.

Мутасадди ташкилотларга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда электр энергияси соҳасида замонавий технологиялар билан бевосита ишлайдиган ўрта ва кичик бўғин мутахассисларини тайёрлаш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа корхоналари раҳбарлари ҳисобот берди, чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизнинг мудофаа қудрати ва ҳарбий-техник салоҳиятини юксалтириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, профессионал миллий армияни шакллантириш, ҳарбий хизмат нуфузини оширишдаги катта хизматлари, жамоат тартибини сақлаш, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги самарали меҳнати, хизмат бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори малака ва маҳоратга эга кадрларни тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар орден ва медаллар билан мукофотлансин:*

### I даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Турдиев Алишер Талибович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари

### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Бузруков Лутфулла Юсупович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округ қўшинлари қўмондони

**Исмаилов Тимур Камалатдинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқарма бошлиғи

**Мажидов Улугбек Абдувохидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Рашидов Алишер Абдумажидович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқарма бошлиғи

**Тешабоев Мурод Ойхўжаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

## Ш. Қ. АБДУРАХМАНОВНИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Абдурахманов Шухратбек Кушақбаевич** Андижон вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

## К. Б. ТУРСУНОВНИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Турсунов Кобул Бекназарович** Навоий вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

## Ў. И. БАРНОЕВНИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Барноев Ўктам Исоевич** Бухоро вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

## Х. Х. БОЗАРОВНИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Бозаров Хайрулло Хайитбаевич** Наманган вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

## Э. А. САЛИЕВНИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Салиев Эргаш Алибекович** Жиззах вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

## Э. О. ТУРДИМОВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Турдимов Эркинжон Оқбутаевич** Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

## З. Т. МИРЗАЕВНИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Мирзаев Зойир Тоирович** Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

## Ғ. Ғ. МИРЗАЕВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Мирзаев Ғофуржон Ғаниевич** Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕС РАИСИ САЙЛАНДИ ҲАМДА ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ РАИСИ ТАЙИНЛАНДИ

**2020 йил 13 январь куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг сайловдан кейинги биринчи сессияси мажлиси бўлиб ўтди.**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг розилиги билан Ерниязов Муса Тажетдинович Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси этиб сайланди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Сариев Кахраман Раматуллаевич Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси лавозимига тайинланди.

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## ВАТАНПАРВАРЛИК – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ КАФОЛАТИ!

***Мардлик, матонат, жасорат... Бу фазилатларни камол топтирувчи манба нима? Ватан туйғуси! Зеро, юртнинг бугунги осойишталиги, фаровонлиги ҳам, эртанги тараққиёти ҳам шунга боғлиқ.***

***Айни сабабдан миллий армиямизнинг куч-қудрати, салоҳияти ҳақида сўз кетганда, беихтиёр ғурурланиб кетамиз. Кўксимизда фахру ифтихор туйғулари жўш уради. Чунки Ватанимиз ҳимояси — ишончли қўлларда!***

4-саҳифага қаранг.

**Жараён**

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЁШЛАР БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил 27 декабрь куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан ўтказилган учрашувда билдирилган мулоҳазалар бугун барчанинг диққат марказида бўлиб турибди.**

*“Раҳбарлар келажагимиз бўлмиш ёшлар билан доимий мулоқотда бўлиб, уларни эшитиб, ташаббусларини қўллаб-қувватлашлари шарт ва зарур, — деб таъкидлади йиғилишда давлатимиз раҳбари. — Ҳар бир ҳоким — у туман ёки вилоят ҳокими бўладими, сектор раҳбарлари билан биргаликда ёшлар масаласини ўзи учун устувор вазифа қилиб олмас экан, жойларда бу борадаги ишларимизнинг натижаси самарали бўлмайди”.*

*Давлатимиз раҳбарининг учрашувда берган топшириқ ва кўрсатмалари асосида жойларда “Ҳоким ва ёшлар” учрашувлари ташкил этилмоқда. Уларда келажагимиз эгаларининг бандлиги, уй-жой таъминоти, бўш вақтини мазмунли ўтказиши, таълим олишга ва касб ўрганишга бўлган талаби ўрганилиб, бу масалаларга ечим топиляпти.*

3-саҳифага қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## «Дўстлик» ордени билан

**Бя Юрий Ярославович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**Захидов Абдурасул Абдусаттарович** — «Discover Invest» масъулияти чекланган жамияти директори

**Земсков Александр Юрьевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Мирвохитов Мирсаид Мирфатух ўғли** — «Natural Houses» масъулияти чекланган жамияти директори

**Миргалиев Асхат Осатович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўқув маркази катта йўриқчи-ўқитувчиси

**Мирханов Умид Сапарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Тургунов Илхом Тургунович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий аппарати бошқарма бошлиғи

## «Мардлик» ордени билан

**Косимов Равшан Норкобилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Маматмусаев Мирзокул Мавлонқулович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосари

**Отақўзиев Шухратжон Нурмухаммадович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командири

**Рахмонов Рахматулло Бозорович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Собиров Ботиржон Зокирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

**Тўрахонов Қахрамонжон Эркинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқармаси бўлим бошлиғи

**Ҳакимов Рамазон Салимович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

## «Жасорат» медали билан

**Абдуллаев Азизхон Тохиржон ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Абдуллоев Салим Шокирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Абидов Мурод Мирвахидович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси отряд командири

**Алимов Шерзод Боходирович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Бурибаев Нурали Зулхайдорович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Дуланов Мирзохид Махамадалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Жабборов Жаҳонгир Сотиболдиевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Жалилов Жамшид Норкузиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Жўраев Ахрол Ахатуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Исматуллаев Бархает Сойибович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Йигиталиев Ойбек Аскаралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командири

**Йигиталиев Шокиржон Зухриддин ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод командирининг ўринбосари

**Мунтурганов Байрамбек Женисбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод командирининг ўринбосари

**Норалиев Журабек Эралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Ражабалиев Санжар Эшмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округ бошқарув аппарати бўлим бошлиғи

**Рахмонов Хусен Искандарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги отряд командирининг биринчи ўринбосари

**Сидиқов Ғолибжон Рахимбердиевич** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси отряд командири

**Умурзаков Журабек Набижонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Хожиматов Мадёрбек Турсунбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Хўжаев Дадахон Илҳомович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бошқармаси сафдор ходими

**Юсупов Мухтар Бекчанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқарма бошлиғи

## «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Абдурахманов Яхё Хусанович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округ бошқарув аппарати бошқармаси бошлиғи

**Абдухамидов Мадаминжон Мухаммаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби штаб бошлиғининг ўринбосари

**Авезбердиев Дилшод Реджапбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Адизов Зохид Рашидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Азимов Ихволжон Омонбаевич** — Фарғона вилояти Божхона бошқармаси бошлиғи

**Асфандияров Рамиль Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси хизмат бошлиғи

**Ахмадалиев Рашит Мусинович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедра бошлиғи

**Ахмедов Зафаржон Азамович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Балхиев Нуриддин Исамитдинович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Жиззах вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасининг Фориш тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

**Бобоназаров Бекзод Бахтиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони командири

**Бозоров Уктам Турмухаммадович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқармаси катта офицери

**Бозоров Эрали Хабибуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Гуломов Фахриддин Шакирович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги «Хавфсиз дарё» давлат унитар корхонаси бошлиғи

**Ибрагимов Искандар Икромович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси батальони командири

**Исаев Баходир Усманович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Кадиров Камиль Шамильевич** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бошқармаси бошлиғи

**Кадиров Шаухат Жанабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси оператив бошқарув маркази бошлиғи

**Касимов Гайрат Ташкенбекович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамияти раисининг ўринбосари

**Кодиров Хотам Шакирович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг иккинчи минтақавий ҳудуд бўйича вакили

**Кудратов Уктам Гофурович** — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти кафедраси бошлиғининг ўринбосари

**Мамарасулов Равшан Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати давлат қўмитаси «Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи» давлат корхонаси директорининг ўринбосари — бош муҳандиси

**Мўйдинов Алижон Ахмаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари тезкор гуруҳи взводи командирининг ёрдамчиси

**Нормаматов Муродбек Ибайдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Палванов Шакир Базарбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм лабораторияси катта лаборанти

**Расулов Хусниддин Холмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири — қоровул бошлиғи

**Рахманов Хондамир Парманкулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий аппарати бошқарма бошлиғи

**Рахматов Дусёр Джалолович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командири

**Реймов Максетбай Жолдасбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

**Тўраев Зафаржон Турсунпўлатович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Турсунов Кодиржон Мухаммаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти кафедраси бошлиғи

**Тухтасинов Икболжон Иномжонович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари алоҳида батальони командири

**Хабиев Илдар Рашидович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Хамроев Бахшилло Ғайбуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат бошлиғи

**Ҳамроев Камолжон Каримович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Бухоро вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси Ғиждувон тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

**Хусенов Хамза Исмоилович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси Пешку тумани бўлими профилактика катта инспектори

**Юлдашев Исмойилжон Жураевич** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти кафедраси профессори

## «Шуҳрат» медали билан

**Абдуқаххаров Қобулжон Абдугоппор ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод назоратчиси

**Аллаберганов Махсуд Жуманязович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Хоразм вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси ёнғин-қутқарув қисми бошлиғи

**Алметов Шерзад Болтабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бош инспектори

**Астанкулов Отабек Тохирович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мобил бошқарув пункти катта техниги

**Ачилов Мансур Сувонбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод командирининг ўринбосари

**Бекмурзаев Акмал Абдуалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи

**Бобомурадов Зоҳиджон Закирович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хоразм вилояти бўйича бошқармаси отряд командири

**Вахидов Абдукадир Исакович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Жонқобилов Акмал Файзуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси

**Исақов Элмуроджон Изатилло ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Минтақавий штаби взвод назоратчиси

**Исматов Икромжон Парпиевич** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бўлими бошлиғи

**Курбанов Бахром Фазлитдинович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Матякубова Агата Рустамовна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряди командири

**Машарипов Рўзибой Рахимович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хоразм академик лицейи директори

**Мирзаев Шахбоз Шавкатжонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командири

**Мухторов Илхом Мухторович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш бошқармаси бошлиғи

**Раҳматов Баҳодир Эсиргапович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси ташкилий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Рахматов Мирзохид Холтураевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи қоровул бошлиғи

**Рахмонов Нурзодбек Эргашбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири

**Салаев Хамза Аббазович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи

**Санаев Шухрат Музаффарович** — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бўлими бошлиғи

**Саттаров Азизбек Тоирович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги махсус муҳандис-қурилиш бошқармаси батальони командири

**Сулайманов Зафарбек Сахибжонович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлинма командири

**Танимова Гоззал Мауленбергеновна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳи офицери

**Ташев Жасурбек Хакбердиевич** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Тожибоев Диербек Еркинович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби маркази бошлиғи

**Туев Исроил Исмоилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командири

**Убайдуллахужаева Ойдиной Хамидуллаевна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм маркази мутахассиси

**Усманов Александр Раҳимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлими мутахассиси

**Хайдаров Абдугаффор Мажидович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Наманган вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси оператив бошқарув маркази бошлиғи

**Халимов Эркин Халилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедраси доценти

**Шарипов Алишер Абдунабиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлими бошлиғи

**Элмуродов Бекзод Тоштемирович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Навоий вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарувчи-йўриқчиси

**Эшонкулов Одил Алламуратович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази катта йўриқчиси

**Юсупов Саиджон Нематович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи командирининг ўринбосари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 10 январь

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Т. А. БОБОЛОВНИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Боболов Тўра Абдиевич** Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Р. Қ. ХОЛМАТОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Холматов Рустам Қурбонназарович** Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Ш. М. ГАНИЕВНИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Ганиев Шухрат Мадаминович** Фарғона вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Ф. У. ЭРМАНОВНИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Эрманов Фарход Уразбоевич** Хоразм вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Ж. А. АРТИКХОДЖАЕВНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига мувофиқ **Артикходжаев Жахонгир Абидович** Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 13 январь

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЁШЛАР БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ







## ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАНЛАРГА ҲАМ ИМКОНИЯТ ЯРАТИШ МУМКИН

***ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ** ҳокими Шуҳрат Ғаниевнинг янги йилдаги илк иш кунлари Бешариқ, Ўзбекистон, Фурқат, Данғара, Бағдод, Бувайда туманлари ҳамда “Қўқон” эркин иқтисодий зонасида ёшлар билан юзма-юз мулоқотидан бошланди. Учрашувларда вилоятнинг барча бўлим ва бошқармалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарларидан тортиб, таниқли ижодкорлар, жаҳон чемпионлари, олий таълим муассасалари ректорлари, давлат мукофоти совриндорлари, нуронийлар қатнашди.*

“Қўқон” эркин иқтисодий зонасида ташкил этилган “Ҳоким ва ёшлар” тадбири одатдагидан бошқачароқ кўринишда ўтди. Фаол, ташаббускор ўғил-қизлар билан бирга эътиборга муҳтож, иш излаб юрган, ногиронлиги бўлган ёшлар ҳам махсус автобусларда иқтисодий ҳудуддаги корхоналар билан таништирилди.

“Great Kokand” корхонаси қадоқлаш учун зарур 50 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Эътиборли жиҳати, бу ерда ногиронлиги бўлган 100 га яқин ёшлар доимий иш билан таъминланган.

***— Иккала қўлимдан айрилганман. Тасаввур қилинг, бундай ногиронга қаердан ҳам иш топилиши мумкин. Ёки ким бу ҳолатда мени ишга олади? Ишониш қийин, — дейди “Great Kokand” корхонаси назоратчиси Достон Эгамбердиев. — Лекин вилоят раҳбарига бевосита мурожаатим эътиборсиз қолмади. Шу корхонага ишга жойлашдим. Онамнинг хурсандлигини айтмайсизми?! Энди мен ҳам ўзимни жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳис этяпман. Бу мен учун катта бахт.***

Ўтган йили Президентимиз “Қўқон” эркин иқтисодий зонасидаги “Шаффоф омадли саноат” қўшма корхонаси фаолияти билан танишган эди. Бу ерда йилига 230 минг дона метан ва 250 минг дона пропан ускунаси, 300 минг дона бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади.

Фаол ёшлар корхона фаолияти билан ҳам танишиб, бўш иш ўринлари ва корхона имкониятлари билан қизиқишди. Шундан сўнг иқтисодий зона маъмурий биносида ҳоким ёшлар билан юзма-юз мулоқотга киришди.

— Бир вақтлар дашт бўлган ушбу ҳудудда бугун ҳаёт қайнаяпти. Атроф янги қурилган ва қурилаётган яшаш манзилларидан иборат. Марказий қисми эса ишлаб чиқариш корхоналаридан ташкил топган. Бу ерда ўзлаштирмаган имкониятларимиз жуда юқори. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, шу иқтисодий зонада ёшларимиз учун 10 минг иш ўрни бор. Бугундан эътиборан, ҳозир сизлар билан учрашиб турган маъмурий бинода ёшлар учун бўш иш ўринлари ярмаркаси доимий тарзда фаолият олиб боради, — деди вилоят ҳокими.

Бешариқ ва Ўзбекистон туманлари марказида кенг миқёсли бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Вилоятнинг йирик тадбиркорлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқарувчилар, “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси раҳбарияти тадбирда қатнашди. “Ҳоким ва ёшлар” учрашувида барча муаммолар рўй-рост айтилди.

Муаммолар оз эмас. Икки туманнинг ҳар бирида уч минг нафардан ишсиз йигит-қиз бор. Яна уч минг нафар ёш хорижга иш излаб чиқиб кетган. Ёшлар орасида жиноятчилик ўтган йиллардагига нисбатан камайган бўлса-да, ҳали бу борада муаммолар бор. Экстремистик, террористик гуруҳлар сафида адашиб юрганлар ҳам топилади.

Мулоқотлар давомида яйпанлик уч карра Ўзбекистон чемпиони Зебохон Қаҳҳорованинг таклифи билан байдарка ва каноэда эшкак эшиш спорти учун сув ҳавзаси қуриладиган бўлди. Худойберди Тўхтабоев номидаги болалар кутубхонасига вилоят ҳокимлиги захира жамғармасидан 700 миллион сўм пул ажратилди. Ёш тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳаларига банк олдида ҳокимликлар кафил бўлиши билдирилди.

## ИШБИЛАРМОН ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ҚИЙНАМОҚДА?

***БУХОРОДА** ҳам навқирон авлод вакилларининг таълим-тарбия олишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, касб-ҳунар эгаллашлари учун зарур шароитлар яратилмоқда.*

Бухоро туманида ташкил этилган “Ҳоким ва ёшлар” учрашувида шу ҳақда сўз юритилди. Вилоят ҳокими Ўктам Барноев таъкидлаганидек, ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишлари, тадбиркорлик билан шуғулланишлари, илм-фан, маданият ва санъатда иқтидорларини юзага чиқаришлари учун катта ғамхўрлик кўрсатиляпти. Жумладан, жорий йилда Бухоро шаҳрида барча талабларга жавоб берадиган Президент мактаби барпо этилади. Мухтор Ашрафий номидаги ижод мактаби, қатор спорт иншоотлари қурилади, ёшлар лойиҳалари асосида кўплаб корхоналар ишга туширилади.

Қатнашчилар орасида нафақат ўқувчию талабалар, балки турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган ёш тадбиркору ҳунармандларни ҳам кўриш мумкин эди. Улардан бири — Нозигул Жўраева. 1997 йилда туғилган бу юртдошимиз республикамизнинг энг ёш фермерларидан. Когон туманидаги “Оққош Бўрон замини” фермер хўжалигини бошқаряпти. 2019 йилда хўжалик гектаридан ўртача 60 центнердан ғалла, 38 центнердан пахта етиштирди.

— Менда бир таклиф бор, — деди учрашувда сўз олган Нозигул. — Деҳқончилик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларга фермер хўжаликларидан ер ажратиб берилса, яхши бўларди. Бу уларнинг тажриба тўплашлари, моддий неъмат яратишларида қўл келади.

Бу таклиф жўяли, деб топилди. Шу йилдан бошлаб ғалладан бўшаган майдонлардан деҳқончилик қилишга иштиёқманд ёшларга тажриба тариқасида ер ажратиладиган бўлди. Бу уларнинг зарур кўникмалар ҳосил қилишларига йўл очади, оилаларига иқтисодий жиҳатдан наф келтиради.

Тадбирда йигит-қизлар томонидан элликдан зиёд мурожаатлар бўлди. Ўз муаммосига ечим топгани келган шундай ёшларнинг бири Бухоро шаҳридаги Шехонча маҳалласида яшовчи Ҳабиб Гадоевдир. У вилоят ҳокимига ўзи яшаб турган ҳудудда “Ёшлар — келажагимиз” Давлат дастури асосида маҳалла меҳнат гузари барпо этмоқчилигини билдириб, кўмак сўради.

— Мебель устачилиги билан шуғулланяпман. Фаолиятимни кенгайтириб, ёшларга ҳунар сирларини ўргатиш орқали 10 — 15 та иш ўрни яратмоқчиман, — дейди Ҳабиб.

Бунинг учун ёш ҳунармандга ер керак эди.

— Ҳоким “Агар сиз кўзда тутган 15 сотихли жой экин майдони бўлса, уни бера олмаймиз. Бўш жойни кимошди савдоси орқали олишингиз мумкин”, деб соҳа мутахассисларига тегишли топшириқ берди, — дейди у биз билан суҳбатда.

— Агар мен ерни кимошди савдоси орқали оладиган бўлсам, катта харажатга тушаман. Билишимча, 15 сотих ернинг бошланғич баҳоси 240 миллион сўм. Бунақада лойиҳамни амалга оширишим қийинлашади.

Ҳабибнинг айтишича, шу масалада ёрдам сўраб шаҳар ҳокимлигига, прокуратурага икки мартадан мурожаат қилган. Аммо уларнинг жавобидан қониқмаган.

— Шаҳар ҳокимлигига ариза берган пайтимда ҳеч ким кадастр ташкилотидан мутахассис жалб қилган ҳолда “Сиз назарда тутган жойнинг эгаси бор-йўқлигига аниқлик киритамиз”, демади. Бу ерда уч-тўрт бош қўй боққандан кўра, ўн киши ишлайдиган кичик бир корхона барпо этиш фойдали эмасми?! Икки ойдан бери овораман, — дейди у.

Юқоридаги мисолдан кўринадики, айрим ёш тадбиркорларни ўйлантириб келаётган муаммолар бор. Мутасаддилар уларга ечим топишадими? Буни вақт кўрсатади, албатта. Муҳими, ёшлар вилоят ҳокими билан эркин, юзма-юз мулоқот ўтказди. Ўктам Барноев бундай учрашувлар ҳар ойда ташкил қилинишини, энг фаол ёшлар учун вилоят ҳокими стипендияси жорий этилишини ҳам билдирди.

Учрашув якунида ёшлар вакили Нозигул Жўраевага “Мулоқотдан кўнглингиз тўлдими?” деган саволни бердик.

— Ҳокимимиз ҳар бир мурожаатни диққат билан тинглаб, масала ечими юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди. Бу бизнинг ишончимизга ишонч қўшди. Мулоқотдан кўнглимиз тўлди, албатта, — деди у.

✔ Ўтган йили Президентимиз «Қўқон» эркин иқтисодий зонасидаги «Шаффоф омадли саноат» қўшма корхонаси фаолияти билан танишган эди. Бу ерда йилига **230 минг дона метан** ва **250 минг дона** пропан ускунаси, **300 минг дона** бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади.

✔ Термиз туманидаги Ат-Термизий номидаги маҳалла ҳудудида гилам ишлаб чиқарадиган янги корхона қурилиши бошланди. Туркия, Германия, Италия ва Хитой технологиялари билан жиҳозланадиган мазкур саноат субъектида **250 та** иш ўрни яратилади.

✔ Нозигул Жўраева — 1997 йилда туғилган. У республикамизнинг энг ёш фермерларидан. Когон туманидаги «Оққош Бўрон замини» фермер хўжалигини бошқаряпти. **2019 йилда** хўжалик гектаридан ўртача **60 центнердан ғалла**, **38 центнердан пахта** етиштирди.

## БЕПУЛ WI-FI ҲУДУДЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

*Норин туманида **НАМАНГАН ВИЛОЯТИ** ҳокими Хайрулло Бозоровнинг вилоят ёшлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Видеоконференция тарзида ўтган ва барча туманлар ҳамда шаҳар ёшлари ҳам иштирок этган тадбирда Президентимизнинг Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда йигит-қизлар билан учрашувда берган вазифа ва топшириқлари ҳамда Наманган вилоятида ёшлар масаласида амалга ошириладиган ишлар хусусида сўз борди.*

— Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни ҳамда тенгдошларингизга етказишингизни истардимки, эндиликда ёшлар масаласи, муаммоларингизни ҳал этиш, ташаббусларингизни қўллаб-қувватлаш ҳар бир ҳокимнинг, ҳар бир сектор, ҳар бир ташкилот ва идора раҳбарининг устувор вазифаси ҳисобланади. Йигит-қизларнинг бандлиги, уй-жой таъминоти, бўш вақтини мазмунли ўтказиши, таълим олиш ва касб ўрганишга талаби доимий диққат марказида бўлади, — деди вилоят раҳбари.

**2020 йилда** Наманган вилояти бўйича **36 мингдан зиёд иш ўринлари** яратилади. Вилоят қишлоқ ва шаҳар жойларида **1368 та уй-жой** қурилиб фойдаланишга топширилади. Уларнинг **80 таси** вилоят ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар учун ажратилади. Шунингдек, бундай уйларнинг **300 таси** хорижда меҳнат қилаётган наманганликлар учун барпо этилади.

Таълим соҳасида ҳам ёшлар учун катта ишлар режалаштирилган. Жумладан, халқ таълими соҳасида бу йил “Замонавий мактаб” дастури асосида 6 та янги мактаб қурилади, 11 мактаб реконструкция қилиниб, 9 та мактаб мукаммал таъмирланади. Вилоятдаги барча олий таълим муассасаларида ёшлар учун янги йўналишлар очилади. Масалан, Наманган давлат университетида илк бор корейс тили йўналишида ҳам олий таълим олиш имконияти пайдо бўлади.

Спорт инфратузилмаларини яхшилаш, спорт жиҳозлари хариди учун катта маблағ йўналтирилади. Барча умумтаълим мактаблари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан янги спорт жиҳозлари билан тўла таъминланади.

Мактабларда янги маданият ва санъат тўгараклари фаолияти йўлга қўйилиб, улар уч турдаги мусиқа чолғу асбоблари — доира, рубоб ва скрипкалар билан таъминланади.

Вилоят раҳбари ёш оилалар ўртасида ажралишлар, ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик кўрсаткичлари, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари учраётгани ҳақида алоҳида тўхталиб, бу ташвишли масалаларга ечим топиш бўйича фикрларини билдирди ҳамда тегишли мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш масаласи юқори сифатли интернет билан боғлиқ эканини ҳисобга олган ҳолда, Наманган шаҳрида, туман марказларининг аҳоли гавжум жойларида бепул Wi-Fi ҳудудлари ташкил этилади. Шунингдек, барча ташкилот ва идоралар биноларида ҳам бепул Wi-Fi тармоқлари ишга туширилади. Бундан ташқари, ёшлар ўртасида киберспорт бўйича вилоят очиқ чемпионати ўтказиш режалаштирилган.

Учрашув чоғида ёшлар вакилларининг таклиф-мулоҳазаларига ҳам кенг ўрин берилди. Айни жараёнда мавжуд муаммоларни ўртага ташлаган йигит-қизларнинг улар юзасидан ўз асосланган ечимларини ҳам таклиф қилишгани эътиборни тортди.

“Ҳоким ва ёшлар” учрашувлари мамлакатимизнинг барча ҳудудида ўтказилмоқда.

## ҲАРБИЙ ДАЛА-ЎҚУВ МАЙДОНИДАГИ УЧРАШУВ



**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ** ҳокими Тўра Боболов жойларда ёшлар вакиллари билан учрашиб, уларнинг мақсад ва интилишлари, таклиф ва ташаббуслари ҳамда мавжуд муаммоларни атрофлича ўрганмоқда. Бундай мулоқотлар ёшларни руҳлантириб, уларни янги марралар сари сафарбар этяпти.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ўтказилаётган “Ватанпарварлик ойлиги” доирасида “Ҳоким ва ёшлар” учрашувининг навбатдагиси Мудофаа вазирлигининг Термиздаги дала-ўқув майдонида ташкил этилди. Унда ёш ҳарбийлар, йигит-қизлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Очиқ ва самимий руҳда ўтган учрашувда юртимизда изчил амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати навқирон авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётгани таъкидланди. Ёшлар яратилаётган шароит ва имкониятларни мамнуният билан эътироф этди. Шунингдек, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ёшлар ҳаёти, фаолиятига бевосита дахлдор долзарб масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир давомида вилоят ҳокими, секторлар ва ташкилот, муассасалар раҳбарлари, шунингдек, ёшлар вакиллари томонидан “Термиз” дала-ўқув майдонини янада обод, кўркам масканга айлантириш мақсадида ҳудудга ўн мингга яқин арча ва саксовул кўчатлари экилди.

“Ҳоким ва ёшлар” учрашуви Термиз туманидаги Нурафшон маҳалласи ҳудудида жойлашган корхонада давом этди. Керамика маҳсулотлари, кафель ва ўтга чидамли ғишт ишлаб чиқарувчи ушбу корхона энг замонавий технология билан жиҳозланган.

Бу ерда уюштирилган мулоқотда Термиз тумани ёшларининг бандлиги, уй-жой таъминоти, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши, таълим олиши, касб ўрганиши каби масалалар муҳокама қилинди, туман ҳудудида иссиқхона ва Ёшлар меҳнат гузари ташкил этиш лойиҳалари билан танишилди. Тадбир доирасида меҳнат ярмаркаси ҳам уюштирилди.

Шу куни Ат-Термизий номидаги маҳалла ҳудудида гилам ишлаб чиқарадиган янги корхона қурилиши бошланди. Туркия, Германия, Италия ва Хитой технологиялари билан жиҳозланадиган мазкур саноат субъектида 250 та иш ўрни яратилади.

«Халқ сўзи».

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# ВАТАНПАРВАРЛИК — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ КАФОЛАТИ!

*Шу кунларда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан ҳарбий хизматчилар учун қуриб битказилган янги тураржойлар, ҳарбий қисмлар фойдаланишга топширилмоқда. Соҳа фахрийларига эҳтиром кўрсатилиб, турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиляпти. Буларнинг барчаси Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг ҳарбий хизматчиларга, уларнинг оиласига бўлган юксак эътибор, чексиз ғамхўрлик намунасидир. Қуйида ана шундай эзгу ишлардан айримлари ҳақида ҳикоя қиламиз.*



## КАСБЛАРНИНГ ЭНГ ШАРАФЛИСИ

*“Ҳарбий ватанпарварлик ойлиги” доирасида Шарқий ҳарбий округнинг Фарғона дала-ўқув майдонида ҳарбий-ватанпарварлик фестивали бўлиб ўтди. Унда 20 мингдан ортиқ ёшлар, ҳарбийлар, уларнинг оила аъзолари ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.*

Тадбирда ҳарбий парад, ёшлар учун замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника кўргазмаси, шунингдек, ҳарбий оркестр, ҳарбий хизматчиларнинг қурол билан саф ҳамда қўл жанги чиқишлари намойиш этилди. Замонавий ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа намуналари билан ёшлар яқиндан танишди. Фестиваль давомида ёшлар Ватан ҳимоячилари билан суҳбат қурди.

— Дунёда касблар кўп, — дейди Бағдод туманидаги 25-мактаб директори Соҳиба Бердиалиева. — Лекин улар ичида энг улуғи ва шарафлиси, бу — ҳарбийлик. Улар туну кун барчамизнинг хавфсизлигимиз, фаровонлигимизни таъминлашда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ватан ҳимоячиларига елкадош бўлиш эса ҳар биримизнинг бурчимиз.

**Элёржон ЭҲСОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**



## АСКАРЛАР ОНАЛАРИГА ЭҲТИРОМ

*Хўжайли туманида “Аскарлар оналарини эъзозлаймиз!” деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Шимоли-Ғарбий ҳарбий округи ташаббуси билан ташкил этилган ушбу мулоқотга мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ҳарбий хизматни адо этаётган хўжайлилик аскар йигитларнинг ота-оналари таклиф қилинди.*

Унда мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳарбийларга яратилган имтиёз ва қулайликлар тўғрисида сўз юритилди. Мард ва жасур ўғлонларимизни вояга етказган ота-оналарга миннатдорлик изҳор этилиб, туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## ЧЕГАРА ҚЎРИҚЛАШ ПОСТИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

*Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм бўлинмаси ҳарбий хизматчилари учун барча қулайликка эга янги бино фойдаланишга топширилди.*

Уни қуриш, жиҳозлаш учун 1 миллиард 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу ердан шинам ётоқхоналар, ошхона, спорт зали, ўқув хонаси, дам олиш хоналари, автосарой ўрин олди.

Тақдимот муносабати билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар юртимиз тинчлиги, осойишталиги, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш мард ва жасур ўғлонларнинг зиммасидаги шарафли бурч эканини таъкидлашди.

**Илҳом РАҲМАТОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## ЮРТГА САДОҚАТ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРИЛМАЙДИ



*Бир неча йиллар ҳарбий соҳада ишлаган Ғайрат Раҳмонов сўнгги йилларда уй-жойи йўқлиги сабабли оиласи билан оғир шароитда яшаб келаётган эди.*

Унинг ушбу масалада ёрдам сўраб қилган мурожаати Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округ қўмондонлиги, Қарши ҳарбий прокуратураси ҳамда Қарши уй-жойдан фойдаланиш қисми томонидан эътиборсиз қолдирилмади.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни байрами арафасида меҳнат фахрийси Ғайрат Раҳмонов оиласи билан Қарши туманидаги Хонобод қишлоғида 5 хонали уй-жой билан таъминланди.

— Бу уй оиламизга ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди, — дейди меҳнат фахрийси. — Қувончимиз чексиз. Ўз бошпананг бўлишига нима етсин. Мурожаатимизни эътибордан четда қолдирмаган давлатимиз раҳбаридан, округ қўмондонлиги ва бошқа масъуллардан миннатдормиз.

Деҳқонобод туманида эса Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда ҳарбий шаҳарча ва ҳарбий хизматчилар учун 48 хонадонли янги уй фойдаланишга топширилди.

Бу ерда аскарлар учун спорт зали, 23 ўринли хизмат ётоқхонаси, ҳарбий техникалар учун автосарой, кутубхона қад ростлади.

Тантанали тадбирда шаҳарча кутубхонасига Деҳқонобод тумани ҳокимлиги томонидан 500 дона китоб совға қилинди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР УЧУН ШАҲАРЧА

*Оҳангаронни қўшни Тожикистон Республикаси билан ажратиб турувчи Қурама тоғ тизмалари ёнбағрида ҳарбий шаҳарча барпо этилди.*

*Бу ердаги уй-жойларнинг калитлари ДХХ Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм хизматчиларига топширилди.*



— Ушбу ҳарбий шаҳарчанинг қурилиб, фойдаланишга топширилиши ҳам жанговар сафлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларнинг самараси, деб биламан. Бир неча сафдошларим қатори менга ҳам мазкур уйлардан бирининг берилиши оиламиз учун байрамга катта совға бўлди. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрликларни, албатта, Ватанимиз олдидаги ўз хизматимиз билан оқлаймиз, — дейди кичик сержант Қурбонназар Жумаев.

**Шодиёр МУТАҲАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## МАРДЛИК ВА ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Бугунги кунда Самарқанддаги “Темурбеклар мактаби”да ҳарбийликка ҳавас қилган 263 нафар жасур ўғлон таълим-тарбия олмоқда.

**Таълим**

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 28 июндаги “Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ушбу таълим даргоҳининг ўқитувчилар таркиби танлов асосида янгиланди.

— Мактабимизда ўқувчиларнинг чуқур билим олиши ва бошланғич ҳарбий тайёргарлик кўникмаларига эга бўлишлари учун барча шароит яратилган, — дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Шерзод Рашидов. — “ZiyoNet” тармоғига уланган 2 та компьютер, замонавий жиҳозланган 2 та инглиз тили хонаси ва 10 мингга яқин китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази мавжуд. Ўқувчилар тураржойи 450 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳар бир қаватда маънавият хоналари ва бадиий китоб жавонлари ташкил этилган.

“Темурбеклар мактаби”да тасдиқланган кун тартибига асосан, ўқувчилар куннинг биринчи ярмида дарсларда, куннинг иккинчи ярмида эса Президентимизнинг беш муҳим ташаббуси бўйича ташкил қилинган спорт ва бошқа тўгаракларда иштирок этишади. Шунингдек, саф ҳамда ўқ отиш тайёргарликлари билан ҳам мунтазам шуғулланишади.

Ҳарбий хизматчилар томонидан белгиланган дастурга мувофиқ, назарий билимлар билан бирга, ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув машғулотлари ҳам олиб борилади. Бу ёшларнинг ҳарбий ҳаётга мослашишларига хизмат қилади.

Бундан ташқари, бу ерда математика, физика ҳамда она тили ва адабиёт фанлари чуқурлаштириб ўқитилади. Мазкур фанлар бўйича қўшимча дарслар ҳам ташкил қилинган.

Тартиб-интизом қатъий йўлга қўйилган илм масканида ўқувчилар фанларни ўзлаштиришда юқори натижаларга эришмоқда. Турли олимпиада ва танловларда ёшлар эришаётган ютуқлар эътирофга лойиқ. Жумладан, 2019 йил март ойида мактаб ўқувчилари жамоаси Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида МДҲ давлатлари ҳарбий лицейлари ўртасида физика ва математика фанлари бўйича ўтказилган олимпиадада фахрли 2-ўринни эгаллашди.

— Мактабимизда яратилган имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди ўқувчи Жасурбек Салимов. — Ҳарбий бўлиш истагида тенгдошларим қатори барча фанларни, ўқув машғулотларини пухта ўзлаштиришга интиляпман. Шунингдек, мактабимизда ташкил қилинган спорт тўгаракларида ҳам мунтазам қатнашаман. Мақсадим — улуғ бобомиз Амир Темурдек Ватанга муносиб фарзанд бўлиш.

Қолаверса, 2018 йил сентябрь ойида мактаб ўқувчиси Қувончбек Хонимқулов Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида мард турган хизматчилар ҳамда “Темурбеклар мактаби” ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Китобхон посбон” танловида 3-ўринни эгаллади.

Таълим даргоҳида ҳозирги кунда 3 та спорт йўналиши, яъни бокс, айкидо ва қўл жанги бўйича тўгараклар ҳам йўлга қўйилган. Унинг иштирокчилари 2019 йил май ойида мамлакатимиздаги “Темурбеклар мактаблари” ўртасида ўтказилган “Амир Темур авлодлари” ҳарбий-спорт мусобақасида 2-ўринни эгаллади. 7 нафар ўқувчи эса жорий йил Таиландда ташкил этилган жаҳон чимпионатига йўлланмаларни қўлга киритишди.

“Темурбеклар мактаби”ни тугатган ўқувчиларнинг республикамиз ҳарбий олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун тўплаган баллнинг 30 фоизи, фуқаролик олий ўқув юртларига тўплаган баллнинг 10 фоизи миқдорида қўшимча балл берилиши ҳам уларнинг орзу-мақсадлари рўёбида муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## «ЎҒЛИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН!»



Бухорода “Менинг акам — Ватан ҳимоячиси!” деб номланган тадбир ташкил этилди. Унга Қорақалпоғистонда йигитлик бурчини ўтаётган бухоролик аскарларнинг ака-укалари, ота-оналари, яқинлари, шунингдек, Бухородаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган қорақалпоғистонлик аскарлар таклиф қилинди.

Тадбирда аскар йигитлар ва уларнинг яқинлари видеомулоқот қилиш имконига эга бўлдилар.

— Дийдорлашувдан кўнглимиз ғururга тўлди, — дейди Қорақалпоғистонда йигитлик бурчини ўтаётган оддий аскар отаси Тошпўлат Тўраев. — Шундай мард, қатъиятли, юртини жон-дилидан севадиган йигитларимиз бор экан, тинчлигимизга ҳеч ким рахна сола олмайди. Мен ўғлим билан фахрланаман. Бундай тадбирлар ёшларимиз юрагида Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади, албатта.

* * *

Байрам арафасида Бухоро шаҳрининг 6-кичик мавзесида учта беш қаватли тураржой биноси фойдаланишга топширилди. Янги уйларнинг калитлари Давлат хавфсизлик хизматининг 90 нафар ходимига топширилди.

Бухоро туманидаги Зарманоқ аҳоли пунктида эса ҳар бири 30 та оилага мўлжалланган учта кўркам кўп қаватли уй қуриб битказилди. Улар Миллий гвардиянинг 30 нафар, Мудофаа вазирлигининг 60 нафар ходимига топширилди.

— Уйларнинг бири бизнинг оиламизга берилди, — дейди ДХХ хизматчиси Қодирбек Бешимов. — Бу давлатимизнинг бизга кўрсатган жуда катта ғамхўрлиги ифодасидир. Яшириб нима қиламан: шу пайтгача ижарада яшар эдик. Ноқулайликлар кўп бўларди. Халқимиз “Ўз уйинг — ўлан тўшагинг” деб бежиз айтмаган. Энди ҳаммаси ортда қолди.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Каримова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.30 Топширилди — 04.00 1 2 3 4 5 6